

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**



**ХОМИДОВ СОХИБМАЛИК ОЛИМОВИЧ**

**САНОАТНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯСИНИ**  
**МОДЕЛЛАШТИРИШ**  
**(Ўзбекистон Республикаси мисолида)**

**08.00.06 - Эконометрика ва статистика**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент, 2018 йил 27 апрель**  
**соат 16:00**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.1. PhD/Iqt31 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdiu.uz](http://www.tdiu.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Махмудов Носир Махмудович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ғуломов Саидахроп Саидахмедович**  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Абдуғаффаров Абдухалил**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация химояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.Ю. Ходиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**А.Н. Самадов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

**Р.Х. Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон статистик маълумотлари(UNIDO)га кўра, ривожланаётган ва янги саноатлашган давлатлардаги иқтисодий муваффақиятларнинг аксарияти саноатда, айниқса, қайта ишловчи саноатда чуқур тузилмавий ўзгаришлар билан изоҳланади. Жумладан, жаҳон қайта ишловчи саноатида қўшилган қийматнинг 44,6 фоизи ҳамда экспорт маҳсулотларининг 34,6 фоизи мазкур мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади<sup>1</sup>. Тадқиқотларга кўра, саноат тармоғи иш ўринларини яратишда ҳам муҳим ўрин тутади. Хусусан, қайта ишловчи саноатда битта иш ўрнининг яратилиши бошқа тармоқларда икки ёки учта иш ўрни яратилишига олиб келади<sup>2</sup>.

Бугунги кунда саноат тармоғининг ривожланиши мамлакатимиз иқтисодиёти учун ҳам муҳим ўрин тутади. Хусусан, республика ЯИМда тармоқлар қўшилган қийматининг 25,7 фоизи, иқтисодиётдаги жами бандликнинг 13,6 фоизи ҳамда иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 39,4 фоизи мазкур тармоқ ҳиссасига тўғри келади<sup>3</sup>. Ҳозирги иқтисодий вазиятда жаҳон бозорларида рақобат шиддат билан кучайиб бораётган бир пайтда миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини тубдан яхшилаш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, тармоқларни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттириш масалалари иқтисодий сиёсатда долзарб аҳамият касб этиб, бу каби вазифаларни амалга оширишда саноат тармоғининг мавқеи тобора ортиб бормоқда. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «миллий иқтисодиётнинг таркибида саноат улушини кўпайтириш, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»<sup>4</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижроси республикамиз саноат тармоғининг ривожланиш тенденциясини чуқур таҳлил қилиш, унинг барқарор ривожланишига таъсир этувчи омилларни миқдорий тадқиқ этиш ва шулар асосида илмий таклиф ҳамда амалий тавсияларни ишлаб чиқишни талаб этади.

<sup>1</sup> Industrial Development Report 2018. Demand for Manufacturing: Driving Inclusive and Sustainable Industrial Development. UNIDO. Vienna, 2017. pp. 158-171.

<sup>2</sup> Lavopa A. and Szirmai A. (2012). Industrialization, Employment and Poverty, UNU-MERIT Working Paper Series 2012-081. Maastricht, The Netherlands: United Nations University, Maastricht Economic and Social Research Institute on Innovation and Technology.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами 2010-2016. Тошкент, 2017. 35, 53, 239 - б..

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. // www.lex.uz.

Ҳозирги кунда жаҳон саноатининг ривожланиш тенденциясида юқори технологияли саноат тармоқларини ривожлантириш, саноатнинг энергия сиғимини пасайтириш, қайта ишловчи тармоқларнинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда жаҳондаги бандликнинг барқарор ўсишини таъминлаш, жаҳон экспорт тузилмасини фан-техника сиғими юқори бўлган «экологик маҳсулотлар» ишлаб чиқариш ҳисобидан кенгайтириш каби масалалар устувор аҳамият касб этиб бормоқда. Мазкур жиҳатлардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда ҳам бу борада чуқур тадқиқотлар олиб бориш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 февралдаги «2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-2298-сонли қарорида, 2015 йил 4 мартдаги «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, таркибий ўзгартиришларни таъминлаш чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги ПФ-4707-сонли фармонида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда ПФ-4947-сонли фармони билан қабул қилинган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш ва прогнозлашнинг назарий ва амалий жиҳатлари, тармоқлараро баланс моделларини тузиш, техник тараққиёт ва иқтисодий ўсишни эконометрик тадқиқ этиш масалалари Ч. Кобб, П. Дуглас, В. Леонтьев, Р. Солоу, А. Волтес, Н. Калдор, Р. Шепард, Г. Тейл, Р. Пиндайк, Ж. Моор, А. Льюис, Х. Хаустейн, Р. Лукас, М. Хироока, Ж. Медсэн, Ф. Хайек, М. Комби<sup>5</sup> сингари хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида чуқур тадқиқ этилган.

Саноат ишлаб чиқариш жараёнларини моделлаштириш ва прогнозлаш, ишлаб чиқаришни кўп мезонли оптималлаштириш, саноатнинг минтақавий ривожланиши ва унинг кўп ўлчовли динамикасини таснифлаш масалалари Л.В. Канторович, Л.Л. Терехов, Г.Б. Клейнер, В.Е. Адамов, А.Ф. Ревенко, П.А. Ватник, В.Н. Бурков, В.К. Конторович, Н.Г. Андронникова,

---

<sup>5</sup> Lucas R. On the Mechanism of Economic Development // Journal of Monetary Economics. Vol. 22. July. P. 3-42. 1988; Hirooka M. Innovation Dynamism and Economic Growth. A Nonlinear Perspective. - Cheltenham, UK - Northampton. MA, USA «Edward Elgar», 2006; Madsen J.B. «Semi-Endogenous versus Schumpeterian Growth Models: Testing the Knowledge Production Function using International Data». Journal of Economic Growth, forthcoming, 2008; Хайек Ф. Цены и производство. Челябинск: Социум, 2008; McCombie J.S.L., Spreafico M.R.M. Kaldor's «technical progress function» and Verdoorn's law revisited. Cambridge Journal of Economics, 2015.

В.А. Колемаев, С.В. Клементьева, В.С. Муравьева, А.И. Орлов, Р.М. Нуреев, И.С. Светульников, Л.Н. Слуцкинларнинг илмий изланишларидан кенг жой эгаллаган<sup>6</sup>.

Бошқа мамлакатлар сингари ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш масалалари республикамиз иқтисодчи олимларининг бу борадаги илмий қизиқишлари предмети бўлиб келмоқда. Жумладан, мамлакатимизнинг таниқли иқтисодчи олимлари В.Қ. Қобулов, С.С. Гулямов, Н.К. Аимбетов, Т.Ш. Шодиев, О.М. Абдуллаев, Р.Х. Алимов, Б.Ю. Ходиев, Н.М. Махмудов, Б.Т. Салимов, Ш.Р. Холмўминов, С.К. Салаев, Б.А. Бегалов, Р.Т. Далимов, Х.С. Мухитдинов, И.С. Абдуллаев, А.Т. Кенжабаев, С.А. Умаровларнинг илмий ишларида ишлаб чиқаришни моделлаштириш ва прогнозлаш, мураккаб экологик вазиятлар шароитида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш, кичик бизнеснинг ривожланиш тенденцияларини прогнозлаш, барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг омиллари ва эконометрик моделлари, кишлоқ хўжалиги ҳамда кишлоқ меҳнат бозорини шаклланиши ва ривожланишини моделлаштириш масалалари чуқур ва кенг тадқиқ этилган<sup>7</sup>.

Аммо юқоридаги илмий тадқиқотларда республика саноатининг ривожланиш тенденциясини моделлаштириш масаласи алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Иккинчи томондан, тадқиқ этилаётган тадқиқот ишида республика саноати ривожланишининг ҳозирги ривожланиш хусусиятлари ва жараёнлари инобатга олинган бўлиб, бу эса танланган тадқиқот мавзусининг долзарблиги, мақсади ҳамда унда ҳал этиладиган масалалар доирасини белгилашга кенг имкониятлар яратиб беради.

---

<sup>6</sup> Конторович В.К. Взаимосвязь реального курса рубля и динамики промышленного производства в России // Экономический журнал ВШЭ. № 3. 2001; Андронникова Н.Г., Баркалов С.А., Бурков В.Н., Котенко А.М. Модели и методы оптимизации региональных программ развития. - М.: ИПУ РАН, 2001; Колемаев В.А. Математическая экономика. - М.: Юнити, 2005; Клементьева С.В. Применение теории нечетких множеств для измерения и оценки эффективности реализации наукоемкой продуктовой инновации // Заводская лаборатория. Т.72. №11. 2006; Муравьева В.С., Орлов А.И. Организационно-экономические проблемы прогнозирования на промышленном предприятии // Управление большими системами. Выпуск 17. - М.: ИПУ РАН, 2007; Нуреев Р.М. Экономика развития: модели становления рыночной экономики: учебник / Р.М. Нуреев.-2-е изд., перераб.и доп. - М.: Норма, 2008; Светульников И.С. Производственные функции комплексных переменных в экономическом анализе. Автореф. на соиск. уч. степ. канд. экон. наук. 2008; Слуцкин Л.Н. Статистический анализ инфляционных процессов в промышленных секторах американской экономики, 1959-1966 гг. Прикладная эконометрика. №1(13) 2009.

<sup>7</sup> Гулямов С.С. Проблемы моделирования развития территориально-промышленных комплексов. Дисс. на соиск. учен. степ. докт. экон. наук. - М. 1974; Шодиев Т.Ш. Проблемы моделирования развития сельского хозяйства (на примере Узбекистана): Дис... докт. экон. наук. - Т.: ТГЭУ, 1988; Абдуллаев А.М. Региональные проблемы прогнозирования научно-технического прогресса в промышленности. Автореф. дисс., на соиск. докт. экон. наук. - Т. 1989; Алимов Р.Х. Прогнозный анализ и управление развитием хлопковопромышленных комплексов. Дисс. докт. экон. наук. - Т.: ТГЭУ, 1993; Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодида тадбиркорлик ривожини эконометрик моделлаштириш.: Иқт. фан. док. дис... автореф. - Т.: ТДИУ, 2000; Махмудов Н.М. Моделирование производственно-экономических процессов хлопкоперерабатывающих отраслей.: Дисс. докт. экон. наук. - Т.: ТГЭУ, 1993; Салимов Б.Т. Моделирование использования и развития производственного потенциала региона. - Т.: Ўқитувчи, 1995; Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш (Ўзбекистон Республикаси мисолида): Иқт. фан. док. дис... автореф. - Т.: ТДИУ, 2008; Кенжабаев А.Т. Эконометрическое моделирование развития промышленности города: на примере города Алмалыка: Дис... канд. экон. наук. - Т. 1990; Умаров С.А. Моделирование развития производственной структуры локального территориально-хозяйственного комплекса (на примере Сырдарьинского ЛТХК Республики Узбекистан). - Т. 1993.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган бўлиб, мазкур тадқиқот 2017-2020 йилларга мўлжалланган ОТ-Ф1-154 рақамли «Миллий иқтисодиёт таркибий ўзгаришининг ялпи ички маҳсулот ўсишига таъсирини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш» мавзуидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** республика саноат тармоғининг ривожланиш тенденциясини моделлаштириш орқали унинг келгусидаги барқарор ривожланишини таъминлаш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Тадқиқот мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

миллий иқтисодиётни ривожлантиришда саноат тармоғининг тутган ўрнини асослаш, унинг ривожланиш босқичи ва хусусиятларини аниқлаш, саноат тармоғининг ривожланиш тенденциясини моделлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш ва моделлаштириш муаммоларини ёритиш;

республика саноатининг ривожланиш трендларини, унинг тармоқ тузилишидаги таркибий ўзгаришлар ҳамда саноат ишлаб чиқариш тизимидаги ўзаро боғлиқ омилларни моделлаштириш;

республика саноатининг иқтисодий ривожланиш жараёнларини моделлаштиришни такомиллаштириш, саноат ишлаб чиқариш ҳажмини прогнозлаш ҳамда республика саноатини мутаносиб ривожлантириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикасининг саноат тармоғи танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** республика саноати, унинг тармоқ ва ҳудудий тузилиши, ривожланиш тенденцияси, омиллари ва ривожланиши билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳамда моделлаштириш жараёнлари ва усуллари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда илмий билишнинг диалектик ёндашув, мантикий фикрлаш, илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, комплекс ёндашув, қиёсий таҳлил, гуруҳлаш, математик статистика ва эконометрик усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

саноат тармоғининг динамиклик, тузилмавийлик, «сабаб-оқибат» каби ривожланиш хусусиятлари ва кўп ўлчовли ривожланиш жараёнларини умумлаштириш асосида тармоқ ривожланиш тенденциясини моделлаштиришнинг услубий ёндашувлари ишлаб чиқилган;

саноатнинг тармоқ тузилмасидаги миқдорий ўзгаришларни интеграл баҳолашнинг «косинус-коэффициент» усули такомиллаштирилган ва саноат ишлаб чиқариш тенденциясини прогнозлашнинг рекурсив тенгламалар тизимидан таркиб топувчи кўп омилли эмпирик модели ишлаб чиқилган;

республика ҳудудлари саноатининг кўп ўлчовли ривожланиш

жараёнларини статистик баҳолаш ва таснифлаш услубиятининг ҳудудий саноат кўрсаткичлари ривожланишини интеграл баҳолаш усули такомиллаштирилган;

республика саноат ишлаб чиқаришини мутаносиб ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқаришнинг технологик тузилмасидаги тармоқлар улушини мақбуллаштириш, ҳудудий тузилмасидаги ишлаб чиқаришнинг номутаносиб ривожланишини бартараф этиш таклифлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

республика саноатининг ҳудудий ва макроиқтисодий ривожланиш тенденцияларидаги муаммолар аниқланган ҳамда саноат тармоқларининг ривожланиш тенденцияларини ифодаловчи тренд тенгламалар ишлаб чиқилган;

республика саноатининг интенсив ўсиш суръатларига таъсир этувчи омиллар аниқланган ва саноат ишлаб чиқариш самарадорлиги баҳоланган;

республика ҳудудлари саноатининг ривожланиш даражалари баҳоланган ҳамда саноат тармоғини мутаносиб ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Диссертацияда фойдаланилган ахборот базасининг ишончилиги уларнинг расмий манбалардан олинганлиги билан, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг ишончилиги республика саноатини ривожлантириш бўйича қабул қилинган устувор йўналиш ва дастурларга қай даражада мувофиқлиги ҳамда тегишли хулосаларни мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этишга қабул қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, диссертацияда ёритилган миқдорий усуллардан республика саноатининг ривожланиш тенденциясини таҳлил қилиш ҳамда унинг ўзгаришларини прогнозлаш, олинган натижалардан республика саноатини узоқ муддатли ривожлантириш истиқболларини белгилаш ва бу борада муҳим қарорлар қабул қилишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда олинган таҳлилий маълумот ва моделлардан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги амалий фаолиятида фойдаланилганлиги, хусусан, амалиётга тақдим этилган асосий динамик моделларга ўзгарувчи омилларни киритиш натижасида республика саноати ривожланишининг келгуси вариант ҳисоблари ҳосил бўлиши ва у турли иқтисодий ривожланиш вариантларини ишлаб чиқиш имкониятини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Саноатнинг ривожланиш тенденциясини моделлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

саноат тармоғи тузилмасидаги таркибий ўзгаришларни баҳолаш усулидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг «Макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозини ишлаб чиқиш ва мониторинг қилиш ҳамда чораклик маърузаларни тайёрлаш йиғма бўлими» томонидан

макроиқтисодий прогнозларни шакллантириш жараёнида фойдаланилган (Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 16 январдаги ММ-3-1/20-20-4952-сон маълумотномаси). Ушбу усулдан фойдаланиш асосида республика ялпи саноат маҳсулотининг ўсиш суръати прогноз қилинган;

саноат ишлаб чиқариш тенденциясини прогнозлашнинг эконометрик моделларидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг «Макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозини ишлаб чиқиш ва мониторинг қилиш ҳамда чораклик маърузаларни тайёрлаш йиғма бўлими» томонидан макроиқтисодий кўрсаткичларни прогнозлаштириш амалиётида фойдаланилган (Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 16 январдаги ММ-3-1/20-20-4952-сон маълумотномаси). Ушбу моделдан фойдаланиш натижасида республика ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръати прогноз қилинган;

республика ҳудудлари саноатининг ривожланиш даражаларини баҳолаш услубияти асосида олинган таҳлилий натижалардан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг «Макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозини ишлаб чиқиш ва мониторинг қилиш ҳамда чораклик маърузаларни тайёрлаш йиғма бўлими» ҳудудий прогнозларни шакллантириш жараёнида фойдаланилган (Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 16 январдаги ММ-3-1/20-20-4952-сон маълумотномаси). Мазкур услубиятдан фойдаланиш натижасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 2018 йилги ҳудудий прогноз кўрсаткичлари шакллантирилган;

республика саноат ишлаб чиқаришини мутаносиб ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг «Макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозини ишлаб чиқиш ва мониторинг қилиш ҳамда чораклик маърузаларни тайёрлаш йиғма бўлими» томонидан таҳлилий материаллар тайёрлаш жараёнида фойдаланилган (Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 16 январдаги ММ-3-1/20-20-4952-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги 6 ойлик ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари бўйича таҳлилий материаллар тайёрланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 11 та илмий мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 120 бетни ташкил этди.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 27.06.2017.I.16.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**



**ХОМИДОВ СОХИБМАЛИК ОЛИМОВИЧ**

**МОДЕЛИРОВАНИЕ ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ  
ПРОМЫШЛЕННОСТИ  
(на примере Республики Узбекистан)**

**08.00.06 - Эконометрика и статистика**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам**

**Ташкент, 27 апреля 2018 года  
в 16:00 часов**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан № В 2017.2. PhD/Iqt31.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном экономическом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу ([www.tdiu.uz](http://www.tdiu.uz)) и на информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** **Махмудов Носир Махмудович**  
доктор экономических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Гулямов Саидахор Саидахмедович**  
академик Академии наук Республики Узбекистан,  
доктор экономических наук, профессор

**Абдугаффаров Абдухалил**  
доктор экономических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Национальный университет Узбекистана**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.I.16.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном экономическом университете. Адрес: 100003, г. Ташкент, ул. Ислама Каримова, д. 49. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (998971) 239-43-51; e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного экономического университета (регистрационный № \_\_) Адрес: 100003, г. Ташкент, ул. Ислама Каримова, д. 49. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (998971) 239-43-51; e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года  
(протокол реестра № \_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года).

**Б.Ю. Ходиев**

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

**А.Н. Самадов**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.э.н., доцент

**Р.Х. Алимов**

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

## **Введение (аннотация диссертации доктора философии)**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** Согласно данным Всемирной статистики (UNIDO), большинство экономических достижений в развивающихся и новых индустриальных государствах обусловлено глубокими структурными преобразованиями в промышленности, особенно в обрабатывающей отрасли. В частности, 44,6 процентов добавленной стоимости в мировой обрабатывающей отрасли промышленности и 34,6 процентов экспортируемых товаров приходится на эти страны<sup>8</sup>. На основе проведенных исследований стало очевидным, что отрасли промышленности играют важную роль в создании рабочих мест. Так, создание единого рабочего места лишь в обрабатывающей отрасли промышленности приводит к образованию двух-трех рабочих мест в других отраслях<sup>9</sup>.

Сегодня развитие промышленности играет важную роль в экономике нашей страны. В частности, 25,7 процентов от общей добавленной стоимости ВВП республики, 13,6 процентов от общей занятости в экономике и 39,4 процента от общего объёма инвестиций в основной капитал по видам экономической деятельности приходятся на ее долю<sup>10</sup>. В современных экономических условиях такие задачи, как усиление конкурентности национальной экономики, непрерывное техническое и технологическое обновление производства, осуществление глубоких структурных преобразований в экономике, последовательное продолжение модернизации и диверсификации отраслей промышленности становятся актуальными в экономической политике страны, ее роль возрастает при реализации этих и других задач в то время, как отмечается радикальное усиление конкуренции на мировом рынке. В частности, в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены важнейшие задачи по дальнейшей модернизации и диверсификации промышленности путём перехода на качественно новый этап, направленный на ускоренное развитие производства готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на основе увеличения доли промышленности, высокотехнологичных обрабатывающих отраслей и, прежде всего, глубокой переработки местных сырьевых ресурсов в структуре национальной экономики<sup>11</sup>. Эффективное выполнение этих задач требует тщательного анализа тенденций в промышленности страны, количественного исследования факторов, влияющих на ее устойчивое развитие, а также разработки научных и практических рекомендаций.

---

<sup>8</sup> Industrial Development Report 2018. Demand for Manufacturing: Driving Inclusive and Sustainable Industrial Development. UNIDO. Vienna, 2017. P. 158-171.

<sup>9</sup> Lavopa A. and Szirmai A. (2012). Industrialization, Employment and Poverty, UNU-MERIT Working Paper Series 2012-081. Maastricht, The Netherlands: United Nations University, Maastricht Economic and Social Research Institute on Innovation and Technology.

<sup>10</sup> Об этом см.: Статистический ежегодник Республики Узбекистан 2010-2016 гг. - Т., 2017. С. 35, 53, 239.

<sup>11</sup> Об этом см.: Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // www.lex.uz.

В настоящее время в тенденции развития мировой промышленности приоритетными становятся такие задачи, как развитие высокотехнологичных отраслей промышленности, снижение ее энергоемкости, обеспечение стабильного роста занятости в мире с использованием мощностей обрабатывающих отраслей и расширение мировой экспортной структуры за счет производства высокотехнологичных «экологических продуктов». Исходя из этих аспектов, одной из актуальных проблем сегодняшнего дня становится проведение в нашей стране глубоких исследований в этой области.

Осуществлению задач, определённых в Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-2298 «О Программе локализации производства готовой продукции, комплектующих изделий и материалов на 2015-2019 годы» от 11 февраля 2015 года, Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4707 «О Программе мер по обеспечению структурных преобразований, модернизации и диверсификации производства на 2015-2019 годы» от 4 марта 2015 года и «В стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», принятой, согласно Указу Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года, в значительной мере могут послужить результаты данного исследования.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Исследовательская работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное, культурно-образовательное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Степень изученности проблемы.** Вопросы теоретических и практических аспектов моделирования и прогнозирования социально-экономических процессов, создание межотраслевых балансовых моделей, эконометрическое исследование технического развития и экономического роста глубоко исследованы в научных работах таких зарубежных учёных-экономистов, как Ч. Кобб, П. Дуглас, В. Леонтьев, Р. Солоу, А. Волтес, Н. Калдор, Р. Шепард, Г. Тейл, Р. Пиндайк, Дж. Моор, А. Льюис, Х. Хаустейн, Р. Лукас, М. Хироока, Дж. Медсэн, Ф. Хайек, М. Комби и др.<sup>12</sup>

Вопросы по моделированию и прогнозированию процессов промышленного производства, многокритериальной его оптимизации, региональному развитию промышленности и классификация ее многомерной динамики особое место занимают в научных работах Л.В. Канторовича, Л.Л. Терехова, Г.Б. Клейнера, В.Е. Адамова, А.Ф. Ревенко, П.В. Ватника,

---

<sup>12</sup> Lucas R. On the Mechanism of Economic Development // Journal of Monetary Economics. Vol. 22. July. P. 3-42. 1988; Hirooka M. Innovation Dynamism and Economic Growth. A Nonlinear Perspective. - Cheltenham, UK - Northampton. MA, USA «Edward Elgar», 2006; Madsen J.B. «Semi-Endogenous versus Schumpeterian Growth Models: Testing the Knowledge Production Function using International Data». Journal of Economic Growth, forthcoming, 2008; Хайек Ф. Цены и производство. Челябинск: Социум, 2008; McCombie J.S.L., Spreafico M.R.M. Kaldor's «technical progress function» and Verdoorn's law revisited. Cambridge Journal of Economics, 2015.

В.Н. Буркова, В.К. Конторовича, Н.Г. Андронниковой, В.А. Колемаева, С.В. Клементьевой, В.С. Муравьевой, А.И. Орлова, Р.М. Нуреева, И.С. Светунькова, Л.Н. Слущкина и др.<sup>13</sup>

Как и в других странах, вопросы моделирования социально-экономических процессов являются предметом научного интереса учёных-экономистов нашей республики. В частности, в научных работах известных экономистов нашей страны В.К. Кабулова, С.С. Гулямова, Н.К. Аимбетова, Т.Ш. Шодиева, О.М. Абдуллаева, Р.Х. Алимова, Б.Ю. Ходиева, Н.М. Махмудова, Б.Т. Салимова, Ш.Р. Холмуминова, С.К. Салаева, Б.А. Бегалова, Р.Т. Далимова, Х.С. Мухитдинова, И.С. Абдуллаева, А.Т. Кенжабаева и С.А. Умарова глубоко и широко исследованы вопросы моделирования и прогнозирования производства, моделирование социально-экономических процессов в условиях сложных экологических ситуаций, прогнозирование тенденций развития малого бизнеса, моделирование формирования и развития сельского хозяйства и сельского рынка труда, факторы и эконометрические модели стабильного социально-экономического роста<sup>14</sup>.

Однако, выше указанных научных исследованиях, вопрос моделирования тенденции развития промышленности республики до сих пор не был предметом изучения как отдельный исследовательский объект. Наряду с этим, настоящее исследование основано на текущем состоянии развития промышленности и процессах, позволяющих определить актуальность и цель выбранной темы, а также создавая широкий спектр возможностей для выявления вопросов, подлежащих рассмотрению.

---

<sup>13</sup> Конторович В.К. Взаимосвязь реального курса рубля и динамики промышленного производства в России // Экономический журнал ВШЭ. 2001. № 3; Андронникова Н.Г., Баркалов С.А., Бурков В.Н., Котенко А.М. Модели и методы оптимизации региональных программ развития. М.: ИПУ РАН, 2001; Колемаев В.А. Математическая экономика. - М.: Юнити, 2005; Клементьева С.В. Применение теории нечетких множеств для измерения и оценки эффективности реализации наукоёмкой продуктовой инновации // Заводская лаборатория. Т.72. 2006. №11; Муравьева В.С., Орлов А.И. Организационно-экономические проблемы прогнозирования на промышленном предприятии // Управление большими системами. Вып. 17. - М.: ИПУ РАН, 2007; Нуреев Р.М. Экономика развития: модели становления рыночной экономики: Учебник / Р.М. Нуреев.-2-е изд., перераб. и доп. - М.: Норма, 2008; Светуньков И.С. Производственные функции комплексных переменных в экономическом анализе. Автореф. дис... канд. экон. наук, 2008; Слущкин Л.Н. Статистический анализ инфляционных процессов в промышленных секторах американской экономики, 1959-1966 гг. // Прикладная эконометрика. 2009. №1(13).

<sup>14</sup> Гулямов С.С. Проблемы моделирования развития территориально-промышленных комплексов. Дисс. на соиск. учен. степ. докт. экон. наук. - М., 1974; Шодиев Т.Ш. Проблемы моделирования развития сельского хозяйства (на примере Узбекистана): Дисс. докт. экон. наук. - Т.: ТГЭУ, 1988; Абдуллаев А.М. Региональные проблемы прогнозирования научно-технического прогресса в промышленности. Автореф. дис... докт. экон. наук. - Т., 1989; Алимов Р.Х. Прогнозный анализ и управление развитием хлопководно-промышленных комплексов: Дисс. докт. экон. наук. - Т.: ТГЭУ, 1993; Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иктисодида тадбиркорлик ривожини эконометрик моделлаштириш: Иқт. фан. док. дисс. автореф. -Т.: ТДИУ, 2000; Махмудов Н.М. Моделирование производственно-экономических процессов хлопкоперерабатывающих отраслей: Дисс. докт. экон. наук. - Т.: ТГЭУ, 1993; Салимов Б.Т. Моделирование использования и развития производственного потенциала региона. -Т.: Ўқитувчи, 1995; Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш (Ўзбекистон Республикаси мисолида): Иқт. фан. док. дисс. автореф. - Т.: ТДИУ, 2008; Кенжабаев А.Т. Эконометрическое моделирование развития промышленности города: на примере города Алмалыка: Дисс. канд. экон. наук. -Т., 1990; Умаров С.А. Моделирование развития производственной структуры локального территориально-хозяйственного комплекса (на примере Сырдарьинского ЛТХК Республики Узбекистан), Автореф. дис... канд. экон. наук. - Т.: 1993.

**Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.** Данная диссертационная работа была включена в план научных исследований Ташкентского государственного экономического университета, которая выполнена в рамках фундаментального проекта на тему № ОТ-Ф1-154 «Совершенствование методологии оценки влияния структурных изменений национальной экономики на рост валового внутреннего продукта» на 2017-2020 годы.

**Целью исследования** является разработка научных предложений и практических рекомендаций по обеспечению будущего устойчивого развития промышленности республики путем моделирования тенденций ее отраслей.

**Задачи исследования.** Для достижения цели исследования были определены следующие задачи:

обоснование позиции промышленного сектора в развитии национальной экономики, определение этапов и особенностей его развития, раскрытие особенностей моделирования тенденции развития промышленности и освещение проблем моделирования;

моделирование трендов развития промышленности республики, ее структурных преобразований в отраслевом строении промышленности, а также взаимосвязанных факторов в системе промышленного производства;

совершенствование моделирования процессов экономического развития промышленности в республике, прогнозирование объема промышленного производства, разработка научных предложений и практических рекомендаций по пропорциональному развитию промышленности республики.

**Объектом исследования** выбрана промышленность Республики Узбекистан.

**Предметом исследования** стали промышленность республики, её отрасли и территориальная структура, социально-экономические отношения, связанные с тенденцией и факторами развития, а также процессы и методы моделирования.

**Методы исследования.** В диссертации использованы диалектический подход, логическое мышление, научная абстракция, анализ и синтез, комплексный подход, сравнительный анализ, группировка, математико-статистические и эконометрические методы научного познания.

**Научная новизна исследования** заключается в следующем:

разработаны методические подходы моделирования тенденции развития отраслей промышленности на основе динамичности, структурности, причинно-последственных и иных особенностей, а также обобщения процессов ее многомерного развития;

усовершенствован метод «косинус-коэффициента» при интегральной оценке количественных изменений в структуре промышленности, а также разработана многофакторная эмпирическая модель, структурно установленная на основе рекурсивных уравнений прогнозирования тенденции развития промышленного производства;

усовершенствован метод статистической оценки процессов многофакторного развития промышленности на территориях республики, а также интегральной оценки классификации развития показателей территориальной промышленности в стране;

разработаны предложения по устранению диспропорций на производстве в территориальной структуре направленные на оптимальность отраслевой доли в технологической структуре производства с целью пропорционального развития промышленности республики.

**Практические результаты исследования** заключаются в следующем:

выявлены проблемы территориальных и макроэкономических тенденций развития промышленности республики, разработаны трендовые уравнения, отражающие тенденцию развития отраслей промышленности;

определены факторы, влияющие на интенсивные темпы роста промышленности республики, а также дана оценка эффективности промышленного производства;

дана оценка уровню развития территориальной промышленности республики, разработаны научные предложения и практические рекомендации по пропорциональному развитию отраслей промышленности.

**Достоверность результатов исследования.** Достоверность базы данных, используемых в диссертации, объясняется тем, насколько соответствует достоверность разработанных предложений и рекомендаций принятым приоритетным направлениям и программам по развитию промышленности республики, их получением из официальных источников и принятием ответственными организациями соответствующих выводов к практическому внедрению.

**Научная и практическая значимость результатов исследования.** Научная значимость результатов исследования заключается в том, что количественные методы, раскрытые в диссертации, могут быть использованы для анализа тенденции развития промышленности республики и прогнозирования ее изменений, определения долгосрочных перспектив и принятия важных решений данным направлением.

Практическая значимость результатов исследования объясняется тем, что аналитические данные и модели, разработанные в диссертации, применяются в практической деятельности Министерства экономики Республики Узбекистан, в частности, при получении будущих вариантов учёта развития промышленности республики в результате внедрения переменных факторов в основные динамические модели, а также возможностью разработки различных вариантов экономического развития.

**Внедрение результатов исследования.** На основе научных результатов полученных по моделированию тенденции развития промышленности:

использован метод оценки структурных изменений в структуре отраслей промышленности в процессе формирования макроэкономических прогнозов «Сводного отдела разработки и мониторинга прогнозов макроэкономических показателей и составления квартальных докладов» Министерства экономики Республики Узбекистан (справка Министерства экономики от 16 января 2018

года №ММ 3-1/20-20-4952). На основе использования данного метода прогнозирован темп роста валовой промышленной продукции в республике;

использованы эконометрические модели прогнозирования тенденции развития промышленного производства на практике прогнозирования макроэкономических показателей «Сводного отдела разработки и мониторинга прогнозов макроэкономических показателей и составления квартальных докладов» Министерства экономики Республики Узбекистан (справка Министерства экономики от 16 января 2018 года № ММ 3-1/20-20-4952). На основе применения этих моделей прогнозирован темп роста валового внутреннего продукта в республике;

использованы аналитические результаты, основанные на методологии оценки уровней развития региональной промышленности республики, в процессе формирования региональных прогнозов «Сводного отдела разработки и мониторинга прогнозов макроэкономических показателей и составления квартальных докладов» Министерства экономики Республики Узбекистан (справка Министерства экономики от 16 января 2018 года № ММ 3-1/20-20-4952). В результате использования этой методологии сформированы региональные прогнозные показатели Республики Каракалпакстан, областей и города Ташкент на 2018 год;

использованы предложения, разработанные по пропорциональному развитию производственной промышленности республики, в процессе подготовки аналитических материалов «Сводного отдела разработки и мониторинга прогнозов макроэкономических показателей и составления квартальных докладов» Министерства экономики Республики Узбекистан (справка Министерства экономики от 16 января 2018 года № ММ 3-1/20-20-4952). В результате этого подготовлены аналитические материалы по итогам социально-экономического развития Республики Узбекистан за шесть месяцев 2017 года.

**Апробация результатов исследования.** Результаты исследования обсуждены на трех международных и четырех республиканских научно-практических конференциях.

**Публикация результатов исследования.** Основные положения диссертации освещены в 20 научной работе. 11 научных статей изданы в научных журналах, рекомендованных ВАК Республики Узбекистан для публикации основных научных результатов докторских диссертаций.

**Структура и объём диссертации.** Диссертационная работа состоит из введения, трёх глав, заключения, списка использованной литературы и приложений. Общий объём диссертации составляет 120 страниц.



**SCIENTIFIC COUNCIL № DSc.27.06.2017.I.16.01  
FOR THE AWARD OF SCIENTIFIC DEGREES  
AT TASHKENT STATE UNIVERSITY OF ECONOMICS**

---

**TASHKENT STATE UNIVERSITY OF ECONOMICS**



**KHOMIDOV SOKHIMALIK OLIMOVICH  
MODELING OF THE INDUSTRY DEVELOPMENT TENDENCY  
(on the example of the Republic of Uzbekistan)**

**08.00.06 - Econometrics and Statistics**

**DISSERTATION ABSTRACT OF THE DOCTOR  
OF PHILOSOPHY (PhD) IN ECONOMIC SCIENCES**

**Tashkent, in 27 april 2018 year  
16:00**

**The theme of the doctor of philosophy (PhD) was registered at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B 2017.1. PhD /Iqt31.**

The dissertation has been prepared at Tashkent State University of Economics.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, Russian and resume in English) on the website ([www.tdiu.uz](http://www.tdiu.uz)) and the website of «ZiyoNet» Information and educational portal ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Scientific supervisor:** **Makhmudov Nosir Makhmudovich**  
Doctor of Economic Sciences, Professor

**Official opponents:** **Gulomov Saidakhror Saidahmedovich**  
academician of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Economic Sciences

**Abdugaffarov Abdukhalil**  
Doctor of Economic Sciences, Professor

**Leading organization:** The National University of Uzbekistan

The defense of the dissertation will take place on «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 at \_\_\_ at the meeting of Scientific council № DSc.27.06.2017.I.16.01 at Tashkent State University of Economics. (Address:100003, Tashkent, Islom Karimov street 49. Tel.: (99871) 239-28-72; fax: (99871) 233-60-01; e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz)).

The doctoral dissertation can be reviewed at the Information Resource Centre of Tashkent State University of Economics (is registered under № \_\_\_\_). Address: 100003, Tashkent, Islom Karimov street 49. Tel.: (99871) 239-28-72; fax: (99871) 233-60-01; e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz).

The abstract of the dissertation sent out on «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 (mailing report № \_\_\_\_ on «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018).

**B.Yu.Xodiyev**

Chairman of the scientific council for awarding scientific degrees, Doctor of Economic Sciences, Professor

**A.N.Samadov**

Scientific secretary of the scientific council for awarding scientific degrees, Candidate of Economic Sciences, Associate Professor

**R.X.Alimov**

Chairman of the scientific Seminar under the scientific council for awarding scientific degrees, Doctor of Economic Sciences, Professor

## RESUME (abstract of PhD thesis)

**The aim of the research work** is the basis of modeling the development trend to elaborate the scientific suggestions and practical recommendations on ensuring further sustainable development of the country's industrial sector.

**As the object of the research work** was selected the industrial sector of the Republic of Uzbekistan.

**Scientific novelty of the research work** is as follows:

on the basis of development properties of industrial sector such as dynamism, structure, «cause-and-effect» and generalization of multidimensional development processes methodological approaches for modeling the sector's development is elaborated;

the «cosine-coefficient» method for integral estimation of the quantitative changes in the structure of industrial sector was improved, and the multifactor empirical model for forecasting the industrial production trend, consisting of recursive equations set, was worked out;

the integral estimation method of regional industrial indicators in the methodology of statistical estimation and classification of the multidimensional development processes of the country's regional industry were improved;

in order to proportionally develop the country's industrial production, the suggestions on optimization of sector's share in the technologic structure of production as well as on elimination of unbalanced development in the regional structure of production are worked out.

**Implementation of the research results.** On the basis of scientific results obtained and suggestions worked out:

the method of estimation of structural changes in the structure of industrial sector was used by the Department for Development and Monitoring of Macroeconomic Indicators, Forecasting and Preparation of Summarized Quarterly Reports of the Ministry of Economy of the Republic of Uzbekistan in the process of macroeconomic forecasting of indicators (a reference №MM-3-1/20-20-4952 as of 16.01.2018 given by the Ministry of Economy). Based on use of this method the growth rate of the gross industrial product of the country was forecasted;

the econometric models for forecasting the industrial production trend were used by the Department for Development and Monitoring of Macroeconomic Indicators, Forecasting and Preparation of Summarized Quarterly Reports of the Ministry of Economy of the Republic of Uzbekistan in the practice for forecasting the macroeconomic indicators (a reference № MM-3-1/20-20-4952 as of 16.01.2018 given by the Ministry of Economy). By using this model the growth rate of gross domestic product of the country was forecasted;

the analytical results, obtained on the basis of methodology for estimating the industrial development levels of the country's regions, were used by the Department for Development and Monitoring of Macroeconomic Indicators, Forecasting and Preparation of Summarized Quarterly Reports of the Ministry of Economy of the Republic of Uzbekistan in the process of formation of regional development forecasts (a reference № MM-3-1/20-20-4952 as of 16.01.2018 given

by the Ministry of Economy). By using this methodology the regional forecasting indicators of Karakalpakstan Republic, regions and Tashkent city for 2018 were identified.

the suggestions on balanced development of the country's industrial production were used by the Department for Development and Monitoring of Macroeconomic Indicators, Forecasting and Preparation of Summarized Quarterly Reports of the Ministry of Economy of the Republic of Uzbekistan in the practice of forecasting the macroeconomic indicators in the process of for preparing the analytical materials (a reference № MM-3-1/20-20-4952 as of 16.01.2018 given by the Ministry of Economy). The analytical materials on the results of economic and social development for 6 months of 2017 of the Republic of Uzbekistan were use for the social-economic reports.

**The outline of the thesis.** The thesis consists of introduction, three chapters, conclusion, list of literature used and annexes. The total volume of the thesis is 120 pages.